

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70530905 – Яримўтказгичлар физикаси*  
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент

**ЎЗР ОЎМТВ**  
Буйруқ № 365  
• 28 • 08 2024 йил

*М*

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика – техника институти

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202<sup>1</sup> йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202<sup>1</sup> йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢӢ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

<b>Т/р</b>		<b>бет</b>
1.	<i>70530905 – Яримұтқазгичлар физикаси магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи . . . . .</i>	4
1.1.	<i>Күлланиш соҳаси . . . . .</i>	4
1.1.1.	<i>70530905 – Яримұтқазгичлар физикаси магистратура мутахассислиги малака талабининг күлланиши . . . . .</i>	4
1.1.2.	<i>Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари . . . . .</i>	4
1.2.	<i>70530905 – Яримұтқазгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи . . . . .</i>	4
1.2.1.	<i>70530905 – Яримұтқазгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларининг соҳалари . . . . .</i>	4
1.2.2.	<i>70530905 – Яримұтқазгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларининг обьектлари . . . . .</i>	4
1.2.3.	<i>70530905 – Яримұтқазгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларининг турлари . . . . .</i>	5
1.2.4.	<i>70530905 – Яримұтқазгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларининг вазифалари . . . . .</i>	5
2.	<i>70530905 – Яримұтқазгичлар физикаси таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган умумий талаблар . . . . .</i>	7
2.1.	<i>Умумий компетенциялар . . . . .</i>	7
2.2.	<i>Касбий компетенциялар . . . . .</i>	7
	<i>Библиографик маълумотлар . . . . .</i>	9
	<i>Келишув вараги . . . . .</i>	10

## **1. 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**70530905 – Яримўтказгичлар физикаси** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши.**

Малака талаби **70530905 – Яримўтказгичлар физикаси** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:** мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув ва магистратура бўлими бошлиқлари, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

#### **1.2. 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи**

##### **1.2.1. 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**70530905 – Яримўтказгичлар физикаси** магистратура мутахассислиги – Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, яримўтказгичлар физикаси ва ишлаб чиқариш технологиялари билан шуғулланувчи ташкилотларда, турли хил ва мақсадларга мўлжалланган яримўтказгич материаллар ва асбоблар ишлаб чиқариш корхоналарида ва шу соҳа билан бевосита фаолияти боғлиқ бўлган нодавлат ташкилотлар ва давлат илмий тадқиқот муассасаларида мутахассисликка оид комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларининг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларига қўшимча ва ўзгартиришилар киритилиши мумкин.*

##### **1.2.2. 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

- фанлар академияси ва тармоқ илмий-текшириш институтлари ҳамда олий ўқув юртларининг илмий-тадқиқот бўлимлари;
- олий таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлик академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;
- давлат бошқаруви ва унинг турли худудий бўлинмалари;
- ташкилий-бошқарув объектлари;
- меъёрий-хуқуқий хужжатлар;
- яримўтказгичлар, яримўтказгич материаллар, асбоблар ва технологиялар;
- яримўтказгичлар ва улар асосидаги асбоблар ва микро- ва нанотузилмалар;
- табиатда кузатиладиган яримўтказгичларга хос физик ҳодисалар, жараёнлар ва тузилмалар;
- турли вазифали физик ва кимёвий технологиялар, шунингдек, дастурий таъминот ва компьютер технологиялари;
- турли яримўтказгичлар, полимерлар, қаттиқ жисмлар, магнит материаллар тизимларини яратиш ва ишлатиш билан шугулланувчи ишлаб чиқариш корхоналари, бирлашмалар, қўшма ва кичик корхоналар;
- фундаментал, амалий физика ва табиий фанлар мазмунини ташкил этувчи физик моделлар;
- педагогик ва ахборот технологиялари.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларига қўшимча ва ўзгартиришилар киритилиши мумкин.*

#### **1.2.3. 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- Илмий-тадқиқот фаолияти;
- Ишлаб чиқариш фаолияти;
- Ташкилий-бошқарув фаолияти;
- Педагогик фаолият;
- Консалтинг ва турли хизматлар кўрсатилиши кабиларни ўз ичига олади.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларига қўшимча ва ўзгартиришилар киритилиши мумкин.*

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

#### **1.2.4. 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

**70530905 – Яримўтказгичлар физикаси** мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир болиши лозим:

##### **Илмий тадқиқот фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш;
- илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсаддага йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда унда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиши қобилиятига эга бўлиши лозим.

#### **Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;
- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;
- иктисадий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;
- ишлаб чиқариш корхоналарида лойиҳалаш-технологик ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ва кўллаш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш мухитини такомиллаштириш қобилиятларига эга бўлиши лозим;

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- иш режасини тузиш ва уни бажарилишини назорат қилиш, зарур ресурсларни режалаштириш ва улар билан таъминлаш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

#### **Педагогик фаолиятида:**

- олий таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб бакалавриат ва магистратура ўқув режаларида ўзлаштирилган фанлар доирасида назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

## **Консалтинг ва турли хизматлар кўрсатиши:**

- мутахассислик бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ёчимлар прогнозини ишлаб чиқиш;
- магистр ихтинослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурухларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтиносликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

**70530905 – Яримўтказгичлар физикаси** мутахассислиги битирувчилари кадрларни кайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълимини олиши мумкин.

Шунингдек, магистрлар касбий мослашув имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиши мумкин.

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок ИТИларда докторант ва мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

## **2. 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, кайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларидан фойдалана олиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш қўнималарига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;
- илмий фаолият олиб боришини мақсадли ташкил этиши, маҳаллий ва хорижий грантлар танловларида иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;
- патент олиш учун меъёрий иш ҳужжатларини тайёрлай олиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар томонидан эълон қилинган танловларда иштирок этиш учун илмий лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш қўнималарига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
  - магистратура мутахассислиги бўйича объектлар ва жараёнларнинг намунавий моделлари ва уларни тадқиқ қилиш методикаларини ўрганиш;
  - яримўтказгич материалларни ва уларни фан ва техникада қўллаш усулларини, физикавий қонуниятлари бўйича тасаввур ва билимга эга бўлиш;
  - яримўтказгичларни асосий параметрларини аниқлаш бўйича физик тажрибалар ўтказиш ва амалий бажариш кўникмаларига эга бўлиш;
  - мавжуд назария ва моделларни амалийтга қўллаш тажрибасига эга бўлиш;
  - экспериментал тадқиқотларни бажаришда қўлланиладиган курилмалар, материаллар, замонавий асбоблар ва бошқа жиҳозларни ўрганиш ва баён қилиш;
  - ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
  - экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва акс эттириш, хуносалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларни ишлаб чиқиш;
  - мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини шакллантириш;
  - фан, техника ва технологияларнинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш;
  - замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўкув-тарбия ва таълим олиш жараёнини амалга оширишнинг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириш;
  - ўкув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш, ўкув ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим;
- шунингдек:
- маҳсус фанларни ўқиши ва ўрганишнинг ҳар хил турлари: маърузалар, лаборатория ишлари, амалий ва бошқа машғулотларни ўтказиш бўйича стажировка;
  - маъруза матнлари ва машғулотларни ўтказиш режаларини тузиш;
  - янги педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиш ва қўллаш;
  - талабалар билимини баҳолашда рейтинг-назорат тизимини қўллаш;
  - талабалар мустақил ишини ташкилий ва ўкув-методик таъминлашни ўрганиш;
  - услубий кўрсатмаларни тузиш;
  - тарбиявий ишларни ўтказиш каби омилларни назарда тутади.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7  
ОКС

Гурӯҳ

---

### **Таяинч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши,kasbий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, магистрантнинг асосий ўкув режа ва фан дастури (магистрант дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, илмий-тадқиқот, яrimўтказгичлар физикаси, яrimўтказгич асбоблар, яrimўтказгич материалларнинг физик параметрлари, яrimўтказгичлар технологияси, яrimўтказгичли квант наноструктуралар, микро- ва наноэлектроника, яrimўтказгичларда кинетик ҳодисалар, гальваномагнит ҳодисалар, органик ва табиий яrimўтказгичлар, магнит яrimўтказгичлар, спинтроника, яrimўтказгичлар оптик ва фотоэлектрик хоссалари, яrimўтказгичлар сирт физикаси, кўёш элементлари яrimўтказгичлари, аралаш яrimўтказгичлар, киришмалар.

## КЕЛИШУВ ВАРАГИ

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар  
истеъмолчилари

### ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети



И. Маджидов

2021 йил « 20 » 08

М.ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Физика-техника институти



Директор Х. Олимов

2021 йил « 23 » 08

М.ў.

### КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимнини  
ривожлантириши тадқиқотлари ва илгор  
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор в.б.

М. Эсонов

2021 йил « 25 » 08

М.ў.

Ислом Каримов номидаги Тошкент  
давлат техника университети

Ректор С. Турабджанов

2021 йил « 23 » 08

М.ў.



**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги малака талаблари ва ўкув  
режасини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар  
истеъмолчилари ўртасида**

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент ш.

“23” 08 2021 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика – техника институти директори С.Олимов, Тошкент Давлат техника университети ректори С.Турабджанов, Ўзбекистон Миллий университети ректори И.Маджидов билан биргаликда ЎзМУда ўқитишнинг кредит-модуль тизими асосида ишлаб чиқилган қуйидаги магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўкув режаси мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

**1. 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги.**

Малака талаблари ҳамда ўқув режани ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 марта “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5032 – сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-хукукий хужжатлар, шунингдек, ҳалқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бошқа хужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

**ЎзР ФА Физика – техника  
институти директори**

**Тошкент Давлат техника  
университети ректори**

**Ўзбекистон Миллий университети  
ректори**

**X. Олимов**

**С. Турабджанов**

**И. Маджидов**

Илова

70530905 – Яримўтказгичлар физикаси магистратура мутахассислиги бўйича таълим  
дастурининг намунавий тузилиши

T.р.	Ўқув фанлари, блок ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1	2	3
1.00	<b>Мутахассислик фанлари</b>	<b>510</b>
1.01	Илмий тадқиқот методологияси	60
1.02	Яримўтказгичлар физикаси	150
1.03	Яримўтказгич асбоблар физикаси	150
1.04	Яримўтказгичлар параметрларини аниқлаш усуллари	150
2.00	<b>Танлов фанлар</b>	<b>750</b>
3.00	<b>Илмий фаолият</b>	<b>Жами 1260</b>
3.01	Илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш	900
3.02	Илмий семинар	240
3.03	Илмий-педагогик иши	360
3.04	Илмий амалиёт (стажировка)	540
4.00	<b>Атесстациялар</b>	<b>Жами 3300</b>
		<b>300</b>
		<b>Хаммаси 3600</b>

Ўқув ишлари бўйича проректор

Ш.Тошматов



**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан  
яратилган 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари ва ўкув режасига**

**ТАҚРИЗ**

*70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича билим олишни таъминлайдиган Малака талабларининг тайёрланиши республикамизда малакали кадрларни етиштириб беришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу малака талаблари ва ўкув режа асосида даражасида малакали кадрлар тайёрлаш долзарб масала бўлиб, малака талаблари ва ўкув режа етакчи мамлакатлар малака талаблари тажрибасига асосланниб ишлаб чиқилган.*

*70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислигида таълим олишга зарур бўлган янги фанлар киритилган, бунда таълим узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган.*

*Мазкур малака талаблари қуйидаги бўлимларни ўз ичига олган: 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси магистратура мутахассислигининг умумий таснифи: кўлланиш соҳаси, 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи; 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар: магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар; 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари; библиографик маълумотлар.*

Ушбу малака талаблари магистрларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди. Мазмунан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилangan вазифалар акс эттириб, бевосита соҳага тегишли юқори сифатли, рақобатдош кадрлар тайёрлашга қаратилган. ЎзМУ профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислигининг Малака талаблари ва ўкув режаси “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Дастури”да белгилangan вазифаларни амалга ошириш ва ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган.

Малака талаблари ва ўкув режасида ўқишининг меъёрий муддати, касбий фаолияти соҳаси ва обьектларнинг тавсифи, касбий фаолият турлари ва мослашув имкониятлари кенг ёритилган. Умумий талабларда касбий ва ихтисослик бўйича бериладиган билимларга фанлар бўйича малака ва кўниммалар хосил қилишга мўлжалланган талаблар тўғри қўйилган. Блокларга сезиларли даражада ўзгартиришлар киритилган.

Хулоса қилиб айтганда, мутахассислик учун тайёрланган Малака талаблари ва ўкув режаси замон талabalariiga жавоб беради, асосий хужжат сифатида қабул қилиш мумкин ҳамда тасдиқлашга тавсия этилади.

**Тошкент Давлат техника**

**университети профессори, ф. – м. ф. д.**

**Х.М. Илиев**



**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида  
ишлаб чиқилган 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги  
бўйича магистрлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурӣ билимлар  
мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган  
малака талаблари ва ўкув режасига**

**ТА Қ Р И З**

М. Улугбек номидаги ЎзМУда 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислигининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юкори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорлари билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўкув режасида таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўкув юкламаси ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифатига қўйиладиган талаблар тўғри кўрсатилган. Магистратура мутахассислигида ўқитиладиган барча блок фанлари тўғри танланган. Таълим олувчиларда хориж тажрибаси асосида чукур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб - хунар малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Малака талаблари ва ўкув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда илғор хорижий ОТМ ларининг замонавий услуг ва технологияларига, ўкув машғулотларининг шаклларига ва мустақил билим олишга кенг ўрин берилиши диккатга сазовордир. Малака талаблари ва ўкув режа ҳалқаро стандартларга мос ҳолда тузилган. Фанлар бўйича соатларни тақсимлашда белгиланган вақт меъёrlарига амал қилинган. Фанларни блоклар ва семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган.

Малака талаблари ва ўкув режасини ишлаб чиқишида кадрлар истеъмолчиларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш учун тузилган кредит-модуль тизимига асосланган янгиланган малака талаблари ва ўкув режаси хориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ҳолда сифатли тузилган бўлиб, ўкув жараёнининг меъёрий хужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиласман.

ЎЗР ФА Физика-техника  
институти директори ўринбосари



О.Абдулхаев

**Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ томонидан яратилган 70530905 –  
Яримўтказгичлар физикаси магистратура мутахассислигининг малака  
талаблари ва ўқув режасига**

**ТАҚРИЗ**

**70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги янгидан ташкил**  
қилинган бўлиб, соҳа бўйича билим олишни таъминлайдиган Малака талаблари ва  
ўқув режасининг тайёрланиши республикамизда малакали кадрларни етиштириб  
беришда муҳим аҳамиятга эга. Малака талаблари даражасида ва ўқув режаси асосида  
малакали кадрлар тайёрлаш долзарб масала хисобланиб, Малака талаблари ва ўқув  
режа етакчи мамлакатлар малака талаблари тажрибасига асосланиб ишлаб чиқилган.

**70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги бўйича таълим олишга**  
зарур бўлган янги замонавий фанлар киритилган, бунда таълим узвийлиги ва  
узлуксизлиги таъминланишига эришилган.

**Малака талаблари куйидаги бўлимларни ўз ичига олган:**

- **70530905 – Яримўтказгичлар физикаси магистратура мутахассислигининг**  
умумий таснифи: қўлланиш соҳаси, **70530905 – Яримўтказгичлар физикаси**  
мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи;
- **70530905 – Яримўтказгичлар физикаси мутахассислиги** бўйича магистрларнинг  
тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар: магистрларнинг тайёргарлик  
даражасига қўйиладиган умумий талаблар; **70530905 – Яримўтказгичлар физикаси**  
мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака  
талаблари; библиографик маълумотлар келтирилган.

Мазкур Малака талаблари ва ўқув режаси магистрларнинг тайёргарлик даражаси  
ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди. Мазмунан  
Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар акс эттириб, бевосита  
соҳага тегишли юқори сифатли, рақобатдош кадрлар тайёрлашга қаратилган. **70530905**  
– Яримўтказгичлар физикаси мутахассислигининг Малака талаблари ва ўқув режаси  
“2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-  
тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги Дастури”да ва 2019 йил 17 июньдаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улувбек  
номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар  
тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш  
чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4358-сон қарорида белгиланган вазифаларни  
амалга ошириш ва ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, малака талаблари ва ўқув режасида ўқишнинг меъёрий  
муддати, касбий фаолияти соҳаси ва объектларнинг тавсифи, касбий фаолият турлари  
ва мослашув имкониятлари кенг ёритилган. Умумий талабларда касбий ва ихтисослик  
бўйича бериладиган билимларга фанлар бўйича малака ва қўнікмалар ҳосил қилишга  
мўлжалланган талаблар тўғри қўйилган блокларга сезиларли даражада ўзгартиришлар  
киритилган. Мутахассислик учун тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаси замон  
талабаларига жавоб беради ва уни асосий хужжат сифатида қабул қилиш ва  
тасдиқлашга тавсия қилиш керак деб ҳисоблайман.

**ЎзМУ Ядро физикаси кафедраси мудири**

*С. Полвонов*



**С. Полвонов**

28 07 2011